



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУГ'БЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2021  
1/5**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАДЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Ҳ.** – т.ф.д., проф.

**Мадаева Ш.О.** – ф.ф.д., проф.

**Туйчиев Б.Т.** – ф.ф.д., проф.

**Мухаммедова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Тўхтаев Х.П.** – ф.ф.н., доц.

**Болтабоев Х.** – фил.ф.д., проф.

**Раҳмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддиқова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Ширинова Р.Х.** – фил.ф.д., проф.

**Садуллаева Н.А.** – фил.ф.д., доц.

**Арустамян Я.Ю.** – фил.ф.д., доц.

**Пардаев З.А.** – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2021**

<b>Эрназаров Ш.</b> Миллий ғояни тарғиб қилишда Алишер Навоий асарларининг аҳамияти .....	212
<b>Филология</b>	
<b>Ашурова Н.</b> Аёл рухиятининг ранги.....	215
<b>Бахронова М., Тураева Х.</b> Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асаридаги касаллик турлари ва уларнинг лисоний тавсифи.....	218
<b>Boygucheva L.</b> Discourse in modern linguistics.....	222
<b>Джумаева Н.</b> Тилсим предметларнинг эртақлардаги талқини (инглиз ва ўзбек халқ эртақлари мисолида).....	226
<b>Жалолова Ф.</b> Лингвокультурологик аспектда концепт тушунчаси. “Ўғай она” концепти.....	230
<b>Ishqobilova Н.</b> Milliy qadriyatlarni ifodalovchi til vositalarining ilmiy adabiyotlarda o‘rganilishi.....	233
<b>Камилова Д.</b> Терминлар ўрганилишига доир назарий таҳлиллар.....	235
<b>Курбаназарова Н.</b> Совчилик билан боғлиқ удумларда стереотипик характер (“Алпомиш” достони мисолида).....	238
<b>Qarshiyeva Sh.</b> Navoiy muammolarining g‘oyaviy-badiiy xususiyatlari.....	242
<b>Медетова Г., Ахмедова М.</b> Issues on the verbs expressing positive emotional attitude in English.....	245
<b>Пайзуллаева Р.</b> Насрда назм оҳанглари.....	248
<b>Сайфуллаев А.</b> Таржимада хатолар типологияси ва уларни бартараф этиш.....	251
<b>Сагторова З.</b> “Девону луғати-т-турк” асари ва унинг янги нашрлари .....	255
<b>Соатова Г.</b> “Маориф ва ўқитғувчи” журнали – адабий манба сифатида.....	260
<b>Тўхтабоева М.</b> Боту шеърлятидаги такрорий бирликларнинг лингвопозтик хусусиятлари .....	263
<b>Xoliqova D.</b> Xronotor adabiy asarning badiiy birligidir.....	266
<b>Чориева Ш.</b> Ричард Олдингтон ва Вера Бриттен асарларидаги “Аёл образи”нинг бадий-фалсафий таҳлили.....	269
<b>Shorasulova A.</b> Turk va o‘zbek tillarida “Inson holati va narsa-buyum” nomlari orqali vaqtning ifodalanishi.....	272
<b>Эсанов А.</b> Ҳижрий-қамарий тақвим билан боғлиқ ўзбек болалар мавсумий маросим кўшиқлари.....	275
<b>Эшанова З.</b> “Фарҳод ва Ширин” достонидаги муножотларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари.....	279
<b>Юлдашева О.</b> Поэтика заглавия рассказа Д.Рубиной «Бабка».....	282



Нозима ДЖУМАЕВА,

*Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси*

Tel: +998905134534

e-mail: nozima.djumayeva@mail.ru

gmail: 85nozimadjumayeva85@gmail.com

*Бухоро давлат университети доценти, ф.ф.ф.д. (PhD), Ахмедова М.Б. тақризи асосида*

### ТИЛСИМ ПРЕДМЕТЛАРНИНГ ЭРТАКЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ МИСОЛИДА)

Аннотация

Сеҳрли предметларнинг эртаклардаги иштироки уларнинг бадийлигини янада оширади. Ҳам инглиз, ҳам ўзбек халқ эртакларида турли хил сеҳрли предметлар иштирок этади. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек халқ эртакларидаги сеҳрли буюмлар, хусусан, сеҳрли тақинчоқлар ва безак асбоблари қиёсланиб, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, сеҳрли предметлар халқлар маданияти, менталитети, этикодий қарашлари, урф одатлари билан боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланган.

**Калит сўзлар:** фольклор, жанр, сеҳрли эртақлар, халқ эртаклари, инглиз халқ эртаклари, ўзбек халқ эртаклари, ғаройиб буюмлар, миллат, маданият, анъана.

### INTERPRETATION OF MAGICAL OBJECTS IN FAIRY TALES (ON THE EXAMPLE OF ENGLISH AND UZBEK FAIRY TALES)

Abstract

The existence of magical objects in fairy tales makes them more impressive. There are different types of magical items in both English and Uzbek fairy tales. The article discusses the similarities and divergencies concerning magical objects in the English and Uzbek fairy tales, existence of magical jewellery and ornaments and their functions in the fairy tales of two different nations. The author also mentions about the genesis of magical items and their connection with the culture, traditions and religious beliefs of the nations.

**Key words:** Folklore, genre, fairy tales, folk tales, English fairy tales, Uzbek fairy tales, magical items, nation, culture, tradition.

### ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ВОЛШЕБНЫХ ПРЕДМЕТОВ В СКАЗКАХ (НА ПРИМЕРЕ АНГЛИЙСКИХ И УЗБЕКСКИХ НАРОДНЫХ СКАЗОК)

Аннотация

Наличие волшебных предметов в сказках делает их более впечатляющими. Как в английских, так и в узбекских сказках встречаются разные виды магических предметов. В статье обсуждаются сходства и расхождения относительно магических предметов в английских и узбекских сказках, существование волшебных ювелирных изделий и украшений и их функции в сказках двух разных народов. Автор также упоминает о происхождении магических предметов и их связи с культурой, традициями и религиозными верованиями народов.

**Ключевые слова:** фольклор, жанр, волшебные сказки, народные сказки, английские сказки, узбекские сказки, магические предметы, нация, культура, традиция.

**Кириш.** Халқ эртаклари халқлар тарихи, маданияти, ўзига хос турмуш тарзи, маросимлари ва қадимий этикодий қарашларини ўрганишнинг муҳим манбаларидан биридир. Сеҳрли эртақлар эртақларнинг муҳим турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Сеҳрли эртақларда воқеалар сеҳр жоду, фантастик уйдирмалар асосида қурилган бўлади. Буларда асосан қахрамонлик ва паҳлавонлик мадҳ этилади. Ўзбек халқ эртақларидан Ялмоғиз, Семург, Девбачча, Кенжа Ботир, инглиз халқ эртақларидан Джек девлар кушандаси (Jack the Giant Killer), Джек ва ловия пояси (Jack and the Beanstalk), Чайлд Ролэнд (Childe Rowland), Молли Вуппи (Molly Whurpie) сеҳрли эртақларга мисол бўла олади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Ўзбек халқ эртақларини эзиб олиш ва нашр этиш борасидаги илк тажрибалар XIX асрнинг охиридан бошланган бўлса да, XX асрнинг 30 йилларидан ўзбек халқ эртақларини излаб тўплаш ва ўрганишга киришилди. 1939 йилда Б.Каримий “Ўзбек халқ эртаклари” тўпламини нашр этди ва эртақларнинг таснифи ва асосий хусусиятлари ҳақида тадқиқот ёзди.

XX асрнинг 70-80 йилларида ўзбек халқ эртақларининг жанр хусусиятлари, поэтикаси, эртақчилик анъаналари тарихи ва эртақ ижрочилиги масалалари К. Имомов, Ғ. Жалолов ва Х. Эгамов каби фольклоршунослар томонидан ўрганилди. Шунингдек, болалар эртақлари, адабий эртақлар бадиияти ва магик рақамларнинг эртақлардаги поэтик вазифалари ҳам тадқиқ этилди.

Инглиз фольклоршунослигида Джозеф Жейкобснинг хизмати катта. Жейкобс 1899- 1900 йилларда “Фольклор” журнаliga муҳаррирлик қилган. У инглиз халқ эртақларини йиғиб, “English fairy tales”, “More English fairy tales” номлари остида эртақ китобларини нашр қилдириди. Жейкобс ака-ука Гриммлар эртақларидан илҳомланиб бу ишга киришди ва инглизларнинг немис ва француз халқ эртақларини эмас, ҳақиқий инглиз халқ эртақларини ўқишларини хоҳларди. Бу эртақлар орасида сеҳрли эртақлар алоҳида ўрин тугади ва уларда ғаройиб буюмларнинг иштирок этиши уларнинг энг муҳим жанрий белгисини намоён этади. Сеҳрли эртақлардаги ғаройиб буюмларнинг турлари ва вазифалари турлича бўлиб, улар эпик матндаги

вазифадошлиги ва поэтик талкинлари билан бир бирдан фарқлашиб туради. Эдвин Сидни Хартлэнднинг ҳам инглиз фольклоршунослигига қўшган хиссаси бекиёсдир. У 1899-1901 йилларда Англиядаги фольклор жамятининг президенти вазифасида фаолият олиб борган. Олим инглиз эртақчилиги соҳасида тадқиқотлар олиб борган. Унинг *English Fairy and Other Folk Tales, The Science of Fairy Tales: Enquiry into the Fairy Mythology* каби эртақлар борасида қилган наشرлари инглиз фольклоршунослигида катта аҳамиятга эга. Ҳар иккала халқнинг эртақлари олимлар томонидан ўрганилган бўлса-да, иккала халқ эртақларидаги ғаройиб предметлар киёсий контекстда ўрганилмаган. Бу эса олиб борилаётган тадқиқот ишининг долзарблигини яққол намоён этади.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мазкур мақола инглиз ва ўзбек халқ эртақларидаги магия предметлар сирасига кирувчи сеҳрли тақинчоқлар ва безак анжомларининг киёсий таҳлилига бағишланган. Жозеф Жейкобс томонидан тўпланган ва нашр қилинган “English Fairy Tales”, “English Fairy Tales and More English Fairy Tales”, Энни Флора Стил томонидан тўпланиб, нашр қилинган “English Fairy Tales” китоблари, шунингдек, уч бобдан иборат “Ўзбек халқ эртақлари” китоблари тадқиқотнинг асосий материаллари сифатида хизмат қилди. Тадқиқот жараёнида 100 дан ортиқ инглиз ва ўзбек халқ эртақлари ўрганилди. Тадқиқот натижалари ҳар иккала халқ эртақларида сеҳрли тақинчоқлар ва заргарлик буюмлари мавжудлигини ва уларнинг ўхшашлик ва фарқлари борлигини кўрсатди.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Ҳам ўзбек, ҳам инглиз халқ эртақларида ғаройиб тақинчоқ ва безак асбоблари турли вазифа ва кўринишда келиб эртақ бадииятида ўзига хос аҳамият касб этади. Сеҳрли тақинчоқлар ва безак буюмларидан узук, сочбоғ, тумор, ойна, тароқ, суртма, сеҳрли тамакидон, сеҳрли ҳамён каби тилсим предметлар ўзбек ва инглиз халқ эртақларида талқин қилинган.

Инглиз халқ эртақларидан “Ҳеч ким, ҳеч нарса” (Nix Nought Nothing), “Уста ва шогирд” (Master and his Pupil), “Молли Вуппи” (Molly Whuppie), “Сеҳрли узук” (Magic Ring), “Джек ва олтин тамакидон” (Jack and his Golden Snuff Box), ўзбек халқ эртақларидан “Султонхон”, “Кенжа қиз”, “Гуллар сирини”, “Икки ой, икки юлдуз”, “Маликаи Гулизор”, “Кунўғил ва Ойпарини” ларда ғаройиб заргарлик буюмлари ва безак асбобларини кузатдик.

Сеҳрли узук образини ҳам инглиз, ҳам ўзбек эртақлари сюжетига кўп кузатиш мумкин. Ўзбек эртақшуноси З. Расулова сеҳрли узукнинг бадиий вазифаларини куйидагича гуруҳлаштиради: 1) эпик қаҳрамонга бахт инъом этиш воситаси; 2) эврилтириш, яъни эртақ қаҳрамонини бир кўринишдан бошқа шаклга айланттириш воситаси; 3) бир жойдан иккинчи жойга етказиб борувчи, яъни узукни яқин қилувчи восита; 4) узукдаги воқеликлардан хабар берувчи, огоҳ этувчи ёки воқеликни ўзида акс эттириш кудратига эга тилсим предмет; 5) саховатли моддий таъминотчи; 6) бахт излаб сафарга чиққанларга ҳамроҳ ва мўъжизакор кўмакчи; 7) бунёдкор, қурувчи ва яратувчи 8) тилсимловчи ёки тилсимдан озод этувчи восита; 9) ўлим келтирувчи жоду қироли.

Масалан, ўзбек халқ эртаги бўлмиш “Ойпарини” эртагида сеҳрли узук образи турли бадиий вазифаларда келади. Эртақ қаҳрамони ўз бахтини излаб сафарга отланаётганда ўзи билан узукни олиб кетади. Йўлда у сеҳр билан илонга айланттирилган йигитни учратади ва узуги ёрдамида уни сеҳр- жодудан қутқаради. Шу узук ёрдамида қаҳрамон шамолга айланади ва ёмон одамларни ит, эшак, хачир кўринишига эврилтиради.

Инглиз халқ эртақлари ва афсоналарида ҳам сеҳрли узук образи кўп учрайди. Масалан, юқорида номи тилга олинган “Молли Вуппи” эртагида сеҳрли узук девга тегишли бўлади. У девнинг бор куч-қудрати манбаси сифатида тасвирланган. Агар дев бу узукдан айрилгудек бўлса, куч-қудратидан ҳам айрилади. Шуни билган қаҳрамон қиз Молли Вуппи девдан, аввало, ана шу сеҳрли узугини тортиб олишга ҳаракат қилади ва бунга муяссар бўлади. У шу тариқа девни куч-қудратидан айириб, махв этишга эришади.

“Magic ring” (“Сеҳрли узук”) номида иккита инглиз халқ эртаги мавжуд бўлиб, уларда сеҳрли узук образи келтирилган. Қаҳрамон қилган яхши иши, эзгу амалининг мукофоти сифатида сеҳрли узукка эга бўлади. Аниқроғи, бир эртақда бош қаҳрамон илонни қутқаргани учун, иккинчисида эса шохнинг қизини қутқариб қолгани туфайли сеҳрли узукни совға сифатида олади. Сўнгра шу сеҳрли узук ёрдамида ҳашаматли саройга, тўқин-сочин ҳаётга эришади.

Ўзбек ва инглиз эртақларида сеҳрли тароқ образи ҳам талқин қилинган. Бошга табу тароқ, соч толаси, бош кийимлари билан боғлиқ турли иримларни ва магия қарашларни келтириб чиқарган. Тароқ сеҳрли эртақларда магия кудратга эга тилсим буюмлардан бири сифатида ҳар хил бадиий вазифада талқин қилинади.

“Nix Nought Nothing” (Ҳеч нарса, ҳеч ким) номида инглиз халқ эртагида иккита безак асбоби сеҳрли тароқ ва сеҳрли соч тўғноғич учрайди. Nix Nought Nothing қиролнинг узук қутилган фарзанди бўлиб, у туғилганида отаси сафарда бўлади. Отаси йўқлиги сабабли унга исм бермай Ҳеч нарса, ҳеч ким (Nix Nought Nothing) деб аташади. Сафар чоғида қирол дарёга дуч келади ва сувни кесиб ўтолмайди. У бир девни учратиш қолади ва дев унга сувни кечиб ўтишга ёрдам беради. Эвазига эса Nix Nought Nothing ни сўрайди. Ҳеч нарсдан беҳабар подшоҳ бунга рози бўлади. Қайтиб келгач, ҳаммасидан хабар топади ва девга ўз ўғлининг ўрнига аввал товукбоқарнинг ўғлини, кейин эса боғбоннинг ўғлини беради, лекин девни алдай олмайди ва охир оқибат ўз ўғлини беришга мажбур бўлади. Бола вояга етгунга қадар девнинг уйида яшайди ва девнинг қизини севиб қолади. Улар биргаликда қочишга қарор қилишади. Ва дев уларни қувиб келаётганда энди етиб олай деганда, қизнинг сеҳрли тароғини девнинг йўлига ташлаб юборишади ва девнинг йўлида қалин бутазор пайдо бўлади. Бутазорни кесиб ўтиш анча вақтни олди, ва яна дев уларга етиб олай деганда, қизнинг соч тўғноғичини девнинг йўлига ташлаб юборишади ва ундан ўткир устаралар ўсиб чиқади. Ҳар иккала буюм душманнинг йўлини тўсишга ёрдам беради.

Биз сеҳрли тароқ образини ўзбек халқ эртақларида ҳам кузатишимиз мумкин. Ўзбек фольклорига сеҳрли тароқ сеҳрли кучга ва турли магия вазифаларга эга тилсим предмет сифатида намоён бўлади. “Икки ой, икки юлдуз” эртагида қизнинг тароққа айланттирилиши мотиви учрайди. Ушбу эртақ сюжетига асосан жодугар қизни тароққа айланттиради. Ўзбек эртақларида сеҳрли тароқ асосан қари кампир, жодугар, ялмоғизларга тегишли бўлади. “Илон подшо” эртагида тароқ жодугарнинг сочини тараш воситаси сифатида талқин қилинади. Жодугар кампир қаҳрамонга тароқни бериб, сочимни тара, битини боқ дейди. Қаҳрамоннинг тиззасига бош қўяр экан, унинг қонини сўра бошлайди. Буни сезгач у қочишга ва ялмоғиздан қутулишга қарор қилади. У қочар экан, жодугар уни изма- из қувиб боради ва қиз жодугарнинг йўлига тароқни ташлайди. Тароқ ташланган жойда қалин тўқайзор пайдо бўлади. Инглиз ва ўзбек эртақларидаги тароқнинг вазифаларининг ўхшашлиги шу ерда кўринади.

Эртақларда учрайдиган яна бир безак асбоби сеҳрли ойна бўлиб ҳисобланади. “Уста ва шогирд” (Master and his pupil) номли инглиз халқ эртағида сеҳрли ойна образи мавжуд бўлиб, унда дунёда содир бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларни кўриш мумкин. Лекин фақат унинг эгаси ундан фойдаланиши мумкин. Шогирд ҳар қанча ҳаракат қилмасин, устозининг розилигисиз ундан фойдалана олмайди.

Сеҳрли ойна ўзбек эртақларида ҳам тез тез учрайдиган ғаройиб предметлардан биридир. Ойна тушунчаси Осиё халқларининг қадимги этиқодлари ва анъаналари билан, ҳамда тўй маросимлари билан боғлиқ. Ўзбек халқ эртақларида ойна куйидаги вазифаларда келади:

1. Маълумот бериш. а) қаҳрамон ва унинг аҳволи ҳақида хабар бериш. Бу вазифа одамларнинг кўзгу руҳлари ҳақидаги тасаввурларига бориб такалади. “Гуллар сири” эртағида бош қаҳрамон кўзгу ёрдамида яқинларининг аҳволдан хабар топади ва уларга ёрдам бериш учун йўлга отланади.

б) қаҳрамонга узоқдаги севгилиси ҳақида маълумот бериш. Бу функцияни “Маликаи Гулизор” эртағида кўриш мумкин.

в) дунё воқеалари ҳақида маълумот бериш. Ушбу функцияга эга ойна аксарият ҳолларда *ойнаи жаҳон* деб номланади.

2. Қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳақиқатни тақдим этиш. Сеҳрли ойнанинг бу хусусияти “Кенжа қиз” эртағида намоён бўлади.

3. Узоқдаги нарсани яқинроққа кўчириб олиб келиш. “Султонхон” эртағида қаҳрамон кўрғонини ойна ёрдамида бошқа жойга кўчиради.

4. Ёлғончининг сирини фош этиш. “Кунўғил ва Ойпар” эртағида ойна рост гапирганини кўрсатиб, ёлғончини кўрсатмади ва шу билан ёлғончи фош бўлади.

“Джек ва олтин тамакидон” (Jack and his golden snuff box) инглиз халқ эртағида олтин тамакидон ғаройиб образи иштирок этади. Бош қаҳрамонга отаси томонидан тақдим этилган ва фақатгина бошига кулфат тушганда фойдаланиш таъкидланган бу буюм очилганда ичидан 3 та кичкина одамча чиқади ва эгасининг 3 та тилагини амалга оширади. Сеҳрли тамакидон Джекка кийинчиликларни энгиб ўтишга ва мурод-мақсадига

етишига ёрдам беради. Ўзбек халқ эртақларида учрамайдиган бу тилсим предмет асосан Ғарб халқлари маданиятига хос бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида инглиз ва ўзбек халқ эртақларидаги сеҳрли заргарлик ва безак асбоблари ўрганилди ва таққосланди. Сеҳрли тароқ, сочбоғ, ойна, тамакидон, узук каби буюмлар кузатилди ва улар турли бадий вазифаларда келиши аниқланди. Ғаройиб буюмларнинг шакли ва вазифаси миллатлар менталитети, маданияти, урф одатлари ва этиқодлари билан чамбарчас боғлиқдир. Инглиз ва ўзбек халқ эртақларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, ўзбек халқ эртақларида ғаройиб буюмлар сон жиҳатдан инглиз халқ эртақларидаги ғаройиб буюмлардан устун туради. Бу эса ўз навбатида ўзбек эртақларидаги магик предметларнинг бадий вазифаларининг ҳам кўплигини кўрсатади. Масалан, 100 дан ортиқ инглиз халқ эртақлари ўрганилганда фақат битта сеҳрли ойна образи учради ва у дунёда содир бўлаётган ҳодисаларни кўрсатиш хусусиятига эга эканлиги кўрилди. Ушбу бадий вазифа ўзбек эртақларидаги ойнада ҳам учрайди. Аммо ўзбек халқ эртақларида тилсим ойна образи кўп учраши ва вазифалари ҳам кўплиги тасдиқланди. Сеҳрли тамакидон образи ўзбек халқ эртақларида учрамайди. Чунки бу ғарб маданиятига хос предмет бўлиб, ғарбдан шарққа кириб келган ҳисобланади ва ўзбек халқи орасида кенг қўлланилган эмас. Сеҳрли узук образи ҳар иккала халқнинг фольклор намуналарида учрайди, лекин вазифалари ва хусусиятлари жиҳатидан фарқлиниши яққол намоён бўлди. Инглиз эртақларида узукнинг эвриктириш хусусияти кузатилмади.

**Хулоса.** Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади инглиз ва ўзбек эртақларидаги сеҳрли тақинчоқлар ва безак асбобларини ўрганиш, таққослаш ва уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини тадқиқ қилиш эди. Тадқиқот жараёнида ҳар бир халқнинг 100 дан ортиқ эртақлари таҳлил қилинди ва улардаги тилсим предметлар таққосланди. Натижалар шуни кўрсатадики, ҳар иккала халқ эртақларида сеҳрли тақинчоқлар ва безак асбоблари мавжуд бўлиб, улар турли шакл ва бадий вазифаларда келади ҳамда уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Akhmedova, S. H. (2020). Analysis of general characteristics of the most studied fairy tale genre in English and Uzbek folklore. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 06 (86), 134-136. **Soi:** <http://s-o-i.org/1.1/TAS-06-86-25>
2. Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002. – 408 p.
3. Djumaeva, Nozima Djurabaevna (2019) "SOME SIMILARITIES AND DIVERGENCES IN PERSONIFICATION OF EDGED OBJECTS IN ENGLISH AND UZBEK FOLKLORE.," *Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol.1: Iss. 5, Article 45.* <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/45>
4. Djurabayevna, Djumayeva Nozima. "Image of magical items in english and uzbek fairy tales." *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL* 11.2(2021):1594-1599. [https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as\\_sdt=0%2C5&q=Image+of+magical+items+in+english+and+uzbek+fairy+tale&btnG=](https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=Image+of+magical+items+in+english+and+uzbek+fairy+tale&btnG=)
5. Kobilova A.B. Features of the use of the periphrases of the Uzbek and English languages in journalistic texts. *International journal of Psychological Rehabilitation*, Vol.24, Issue 07, 2020. – Pag. 8162-8168. <https://www.psychosocial.com/article/PR270794/18979/>
6. Kobilova Aziza. The main classification of periphrases of English language. Collection of the material of the international online conference: Actual problems and solutions of modern philology. Uzbekistan, December, 7<sup>th</sup> 2020. <http://journals.e-science.uz/index.php/conferences/article/view/223>
7. Kobilova A.B. Periphrasis – as a stylistic device. Proceedings of Global Technovation 2<sup>nd</sup> International Multidisciplinary Scientific Conference. Hosted from London, U.K., December, 28<sup>th</sup> 2020. – Page: 215-216. <https://conferencepublication.com>
8. Steel F. English fairy tales. – London, 2005. – 142 p.
9. Umurova Kh. SEMANTIC PROPERTIES OF THE TERMS OF WEDDING CEREMONY USED IN BUKHARA DIALECT. *NOVATEUR PUBLICATIONS JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal* ISSN No: 2581 - 4230 VOLUME 6, ISSUE 9, Sep. -2020.

10. Касимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2018. – 252 б.
11. Расулова З. Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида “ғаройиб буюмлар” (спецификаси, генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Т., 2012. – 26 б.
12. Буюк Каримий. Ўзбек халқ эртақларининг баъзи бир хусусиятлари// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1995. - №5-6. –Б57-62; 1996.№1.- Б. 59-65.